



- * Ваҳобийликка кириб диндан адашган одам
- * Ёшлар ташкилоти уч йилда ўзгардимми?
- * Ёқуб Аҳмедовнинг қаримаган орзулари
- * Одамнинг нисбий баҳоси сувдан ҳам арзон экан



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 17 апрель Шанба. № 29 (144220)

Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси

Муҳтарам депутатлар!

Ўтаётган ҳар бир кун, тиним билмас вақт бизни XXI асрга тобора яқинлаштиради.

Шу муносабат билан «Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур? Ва нималардан воз кечишимиз даркор? Ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз? Янги минг йилликда қандай муаммоларнинг ечими бизнинг диққат-эътиборимиз марказида турмоғи лозим?» деган саволларга жавоб излашга тўғри келади.

Бу ва бошқа кўплаб долзарб саволларга жавоб топиш учун биз бугун яна ва яна янги тарихимиз бошланган даврга мурожаат этишимиз, агар таъбир жоиз бўлса, кўз ўнгимиздан ўтказишимиз зарур. Чунки ўша даврда мустақиллигимизнинг тамал тоши қўйилди. Ўз ҳаётимизни обод қилиш, халқимиз учун муқаддас бўлган қадриятларга, улкан тарихий меросга таянган, шу билан бирга, умумэътироф этилган демократик тамойил ва метёрларга риоя қилган ҳолда, мамлакатимизни ўзимиз хоҳлагандек қуриш имконияти туғилди.

Ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй берганини баҳолаш учун бизга собиқ иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қандай тарихий мерос қолганини яна бир қарра эслашимиз зарур, деб ўйлайман.

Энг аввало, бизга мўрт, заиф, бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ва бой минерал ҳомашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган иқтисодийёт оғир мерос бўлиб қолганини айтиш лозим.

Иқтисодий ривожланишнинг хомашёвий йўналишини, хомашёни оддий -- содда қайта ишлаш қувватларининг ибтидоий даражасини, ишлаб чиқаришнинг четдан келтирилладиган технологик асбоб-ускуна ва бутловчи қисмларга буткул қарамлигини ҳисобга олсак, бу оғир мероснинг ноқобил жиҳатлари янада ёрқин намоён бўлади.

Бу оғир мероснинг яна бир хусусияти -- республиканинг ёқилги ва галла масаласида марказга қарамлигида, ун, шакар, гўшт, суг маҳсулотлари каби энг муҳим озиқ-овқат молларининг, бошқа халқ истеъмоли товарларининг, тайёр маҳсулотларнинг четдан олиб келинишида яққол кўринади.

Мамлакатимиздан катта миқдордаги -- етиштирилган пахта ҳосилининг аксарият ҳажми, -- моддий бойлик сув текинга ташиб кетилар эди. Олтин, қимматбаҳо ва рангли металллар, стратегик аҳамиятга эга материаллар, жаҳон бозорида ўта харидорғир бўлган бошқа қимматбаҳо маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келадиган фойда Ўзбекистон хазинасига тушмас эди.

Бундай вазият республикада ўткир ижтимоий, экологик муаммолар ҳал этилмаётган, нуфузи жадал сурьатда осиб бораётган аҳоли турмуш даражаси жиҳатидан собиқ СССРда энг охириги ўринлардан бирида турган пайтда рўй бераётгани айниқса ачинарли эди.

Шундай улкан салоҳиятга эга бўлган мамлакатни камситадиган оғир аҳволга солиб қўйиб, у қонуний, ҳақли равишда ўзига қарашли бўлган маблағни марказдан дотация сифатида сўраб, айтиш мумкинки, ёлвориб олишга мажбур эди.

Боз устига, ноинсоний гоё ҳукмрон бўлган мустабид тузум ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий аҳборот воситаларини, бугун маориф тизимини ишга солиб одамлар онгини кенг миқёсда заҳарлар эди. Уларнинг миллий ва диний туйғуларини кўпол равишда камситар, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатар эди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожиясига айланиб қолган эди.

(Давоми 2-бетда)



Оққўрғон туманидаги 46-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Буралова ўқувчилари даврасида.

Сураткаш: Хусанбой АБВАЛОВ

Дунёда фақат ўзбек миллатигагина хос бўлган тушунчалар, одатлар мавжуд. Савоб ҳам ана шундай айнан бизнинг халқимизгагина хосдир. Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси бу борада анчагина хайрли юмушларни бошлаб юборди. Жамғарма шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда содир этилган портлатишлар оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмган кишиларнинг оилалари аҳволидан доимий хабар олиб, уларнинг фарзандларига билим олиш, ҳунар ўргатишда баҳоли қудрат кўмаклашмоқда.

Кеча жамғарма бошқаруви ҳодимларидан бир гуруҳи февраль воқеалари тўғрисида бошига мусибат тушган, ижтимоий ёрдамга муҳтож хонадонларга ташриф буюриб,

САВОБ

марҳумларнинг беваларига ҳар бири ўн минг сўмлик маблағ қўйилган омонат дафтарчаларини топширишди.

-- Ўша даҳшатли воқеалар юз берганига ҳам икки ой ўтибди, дейди "Камолот" жамғармаси раи-

сининг ўринбосари Қахрамон Куронбоев, -- агар сезган бўлсангиз шу вақт мобайнида одамлар янада хушёрроқ, бир-бирларига меҳрибонроқ бўлиб қолишган. Ватанни севиш, истиқлолни ардоқлаш не эканини ёшлар бугун теранроқ англаб етмоқдалар. Бу борада ҳали жамғармамиз бажарадиган юмушлар талайгина. Лекин шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдимки, 9 май -- Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ҳам бундан-да кенг қўламли хайрия ишларини амалга оширишни ният қилиб қўйганмиз.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этиларди. Наврўз, Рамазон, Қурбон ҳайити каби кўп муқаддас миллий байрамлар таъқиқ этилган эди. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Хожа Аҳрори вали, Абдулоҳлиқ Фижлувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмон Носир каби миллий-озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди.

Бизга эски мустақил, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан қолган мерос асосан ана шулардан иборат эди.

Бугун ўша давр тўғрисидаги ҳақиқатни ҳолисона айтиладиган бўлсак, у замондаги ҳаётимизни жаҳон тарихи ва амалиёти билан таққослайдиган бўлсак, шуни очиқ айтиш керакки, у пайтда Ўзбекистон бирёқлама иқтисодиётга -- Марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган яриммустамлака мамлакат қаторига айланган эди.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик йилларида ҳаётнинг ўзи кўп нарсаларга бизнинг кўзимизни очиб берди, кўп нарсага ўргатди. Собиқ Шўролар ҳудудидаги аксарият мамлакатлардан фарқли ўлароқ, биз баландпарвоз ҳавас ва шпорларга, ҳавойи кайфиятларга берилмадик. Бу касалликдан ўзимизни сақлай олдик. Чунки кўпчилик эски тузумни рад этиб, эски тизимни бузиш, демократик жамият ва бозор муносабатлари дастурини эълон қилиб, ўзини ҳақиқий демократия тарафдори дея жар солишининг ўзи янги ҳаёт қуриш учун етарли, деб ўйлади.

Ҳолбуки, бошқа халқлар тарихи ўзгача аччиқ ҳақиқатни тасдиқлайди: иқтисодий ривожланган, тараққий топган мамлакатлар халқлари бугунги ҳаёт даражасига етиш учун, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан, эркинликларидан ва бошқа неъматлардан тўлиқ фойдаланиш учун кўп-кўп йиллар, балки юз йиллаб тинимсиз ва машаққатли меҳнат қилганлар.

Биз эски тизим ўз ўрнини осонликча бушатиб бермаслигини, унинг захарли мафкураси одамлар онгини тез ва енгил ўз таъсиридан, исканжасидан чиқармаслигини етарли даражада ўзимизга тасаввур қилишимиз ва ҳисобга олишимиз зарур эди.

Энг муҳими, янги ижтимоий муносабатларнинг зарур асосини, заминини, керак бўлса, пойдеворини қуриб олиш учун маълум вақт керак эди.

Янги демократик ташкилотларни шакллантириш, янги қонунларни, демократик тушунчалар, мустақил давлатни бошқарув ва эркин иқтисодий тизим нормаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва кундалик ҳаётга татбиқ этиш зарур эди. Энг асосийси, жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнини бошқарадиган ва таъминлайдиган, янги фикрлайдиган одамларни тарбиялаш учун ҳам муайян фурсат керак эди.

Муҳими, одамларнинг эски тафаккур қўлиларидан воз кечишларига эришиш керак эди. Улар инсоният тарихида ҳеч қачон бир тизимдан мутлақо янги тизимга ўтиш силлиқ кечмаганини, бунинг учун жамият доимо муайян қийинчиликларни бошидан кечириши табиий ва объектив ҳол эканини амалда англаб олишлари зарур эди. Ҳаётда ҳар бир нарсанинг баҳоси бўлганидек, фаровон турмушга эришишнинг ҳам албатта ўз тош-тарозиси бор. Бошқача айтганда, одамзод бир нарсага эришмоқ учун маълум вақт хузур-ҳаловатдан воз кечишига ҳам тўғри келади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, энг муҳими, халқимизнинг кайфиятини бузмаслик мақсадида, ўтиш даврида унинг бошига тушган оғир юк ва ташвишларни енгил қилиш, мураккаб синовларда ҳеч кимнинг бурнини қонатмасдан, узоқ ва яқин кўшилариимиз билан тенг ва дўстона алоқа қуриб, босқичма-босқич сиёсат олиб боришга ҳаракат қилдик.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, нисбатан қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонни мустақил ривожлантириш борасида биз нималарга эришдик?

1. Авваламбор Олдоҳ таолонинг иродаси ва марҳамати билан мустақиллик ва истиқлолимизни қўлга киритиб, ўз

тақдиримизни ўзимиз белгилаш, барча табиий, минерал-хомашё бойликларимиздан, мамлакатнинг бутун салоҳиятидан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат -- Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

2. Мамлакатда сохта гоё, маъмурий-буйруқбозлик асосига қурилган, собиқ Иттифоқнинг мустақил тизимига барҳам берилди. Маълумки, аввал зикр этилганидек, бу тизимда Ўзбекистон фақатгина хомашё базаси, бошқача айтганда, ярим мустамлака ўлка эди.

3. Эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституцион, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлдик.

4. Ана шу асосда давлат ва жамиятни, иқтисодиётни, молия ва пул муомаласини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда бошқаришнинг янги тизимини барпо этишга эришдик. Жамиятда янги маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги таъминланди.

5. Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва ўрни ошишига хизмат қиладиган, унинг манфаатларига мос келадиган ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг мустақил йўли шаклланди ва изчил амалга оширилмоқда.

6. Мамлакатимизнинг сарҳадлари ва суверенитетини ҳимоя қилишга қодир бўлган янги миллий армия тузилди. Давлатда хавфсизлик ва жамоат тартибини таъмин этувчи мутлақо янги асосдаги тизим яратилди.

7. Тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалишидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди.

8. Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз -- бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Одамларимиз тафаккурда бу қадриятнинг беқиёс аҳамиятини англаб етиш туйғуси тобора юксалиб бормоқда.

9. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгармоқда. Иқтисодиёт ва жамиятда шахсий мулк ва мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг мавқеи ва ўрни мустаҳкамланмоқда.

Ириқ иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикаларнинг қурилгани, ёқилган ва галла мустақиллигига эришилгани, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, изчил ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик, одамларнинг моддий ва ижтимоий ҳаётидаги сезиларли ижобий ўзгаришлар -- буларнинг бари биз танлаган тараққиёт моделининг тўғрилигини тасдиқловчи далиллардир ва бугунги кунда бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди.

10. Одамларимизнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Утмиш қўлиларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрнини янги тасаввур этмоқда, ўз кучига ишончи ортиб бормоқда. Қишлоқларимиз онгида демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда. Бу йиллар давомида биз эришган энг катта ва энг муҳим ютуқ -- бу аҳолининг фаоллиги ошаётгани, ҳаётимизни ислоҳ этиш ва янгилаш зарурлигига, мамлакатимизнинг келажагига бўлган қатъий ишончидир.

Ўтган давр мобайнида эришилган ютуқларнинг мана шу оддий рўйхати замирида, аввало ўтиш даврининг асосий тамойил ва устувор йўналишларини шакллантириш борасида амалга оширилган катта ишлар, бугунги ва келажакдаги ўз қўли билан бунёд этаётган миллионлаб ватандошларимизнинг иродаси, ақл-заковати ва фидокорона меҳнати ётибди.

Буни ҳеч қим ва ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги зарур. Мен яна ва яна бир қарра халқимга таъзим қилиб айтмоқчиман: энг оғир, энг мураккаб пайтларда, дамларда ҳам танги, бағрикенг, меҳнатқаш халқимиз менинг энг ишончли таянчим ва суянчим бўлган ва, иншоолло, келгусида ҳам шундай бўлиб қолишига аминман.

Азиз ватандошлар!

Шу йил 16 февраль кунини Тошкентда рўй берган фожиа воқеалар кўп нарсаларга кўзимизни очиб берди, десак, уйлайманки, сизлар менинг бу фикримга қўшиласиз. Биз ўзимизнинг аччиқ тажрибамизда Ўзбекистон мустақиллигига ҳақиқий хавф-хатарлар борлигига қайта-қайта амин бўлмоқдамиз. Бундай кирдиқорлардан мақсад -- мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни,

фуқаролар ва миллатлараро тотувликни издан чиқаришга уринишдир.

Бошқача айтганда, бундан мақсад халқимизнинг фаровон ҳаёт қуришга бўлган интилишини, изчил ривожланишимиз ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидаги эзгу ниятларимиз пойдеворини барбод этишдан иборатдир. Ана шу фожиа воқеаларнинг асосий сабаблари ҳақида тўхталар эканман, мен сизларнинг эътиборингизни очиқ-ойдин турган иккита хавф-хатарга қаратмоқчи эдим:

Биринчи. Мамлакат ташқарисидаги таъжовузор ақидапарасти кучлар ислом дини баҳоналари билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар мавжуд.

Иккинчи. Биз шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз керакки, ҳали-ҳануз бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар мавжуд.

Фурсатдан фойдаланиб, мен яна бир қарра таъкидламоқчиман: бугунги кунда ҳам агар бирор кимсанинг ҳаёлида бизни танлаган йўлимиздан огдириш, хонадонимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш истаги бўлса, билиб қўйсинки, энди кеч бўлди. Бизга таъйин ўтказиш, турли хил бузгунчилик, портлашлар, террористик ҳаракатлар билан мамлакат раҳбарини маъв этиш, ҳаётимизни издан чиқариш, олдимизга қўйилган мақсадлардан чалғитишга уриниш вақти ўтди.

Тарихни ҳеч қачон ортга қайтариб бўлмайди. Етти йил ичида иқтисодиётни, жамиятнинг ўзини янгилаш ва ислоҳ қилиш, ўзгаришлар ортга қайтариб бўлмас жараёнга айланди. Биз буни тўла ишонч билан айта оламиз.

Ёшидан, миллатидан, динидан қатъий назар, мамлакатимизда истиқомат қиладиган оддий одамларнинг бу воқеаларга муносабати кейинги йилларда халқимизнинг ўзгини англаши, мустақил, эркин давлат, демократик жамият қуришга бўлган хоҳиш-иродаси нечоғли кучли эканини яна бир қарра тасдиқламоқда.

Ўтказилаётган янгилашни ва ислоҳотлар йўлини, амалга ошириладиган барча ўзгаришларни халқимиз қўллаб-қувватлаётганини кўрсатмоқда. Биз Ўзбекистон халқини ҳеч нарса билан кўрқитиб бўлмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Чунки ўтган давр мобайнида одамларнинг ўзи, уларнинг тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати мутлақо ўзгарди.

Барча мана шу оддий ҳақиқат аён бўлиши керак: ўз тақдирини ўз қўлига олган, эркинлик ва мустақиллик ҳавосидан бир бора кўксини тўдириб нафас олган, танланган тараққиёт ва фаровонлик йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган ҳар қайси одам ва бутун бир халқ ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмайди.

Биз яна шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, Ўзбекистоннинг мустақилликка интилиши, мамлакатимизда ўтказилаётган ўзгаришлар ва ислоҳотлар йўли халқро ҳамжамият, биз билан ҳамкорлик қилаётган хорижий мамлакатлар, компаниялар, фирма-лар ва банклар томонидан астойдил қўллаб-қувватланмоқда. Буни жаҳон ҳамжамиятининг муносабатидан, деярли барча хорижий мамлакатлар раҳбарлари бизни қўллаб-қувватлаётганидан ҳам билса бўлади.

Кўплаб хорижий шерикларимиз -- ишбилармон доиралар вакилларининг бизга изҳор этаётган хайрихоҳлиги ва мадади шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси Ўзбекистонда бугун ўз бизнеси билан шугулланмоқда ёки шугулланишни истади. Улар бизга бўлган хавф-хатарга қарши мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар ҳажмининг янада кўпайтириш билан жавоб бермоқдалар. Ўзбекистондан минглаб километр узоқликда яшаётган, ўзбек халқини чин дилдан қўллаб-қувватлаётган оддий одамларнинг бу воқеаларга муносабати ҳам юқорида зикр этилган фикрни тасдиқлайди.

Менинг номимга келадиган минглаб хатлардан бирини сизларнинг эътиборингизга мисол тариқасида ҳавола этмоқчиман: «Менинг исимим Андерс Твейгард. Мен сизни қўллаб-қувватлашимиз изҳор этиш мақсадида Норвегиядан мақтуб йўлламоқдаман. Сизнинг сиёсатингиз ҳақида кўп ўқийман, мамлакатингиз тараққиёти учун амалга ошираётган ишларингизни юксак қадрайман. Шу фурсатдан фойдаланиб, менга ўз дастхатингиз билан сура-тингизни юборишингизни сурайман...»

Мана шу оддий мисолнинг ўзи бизга кўрсатиладиган хайрихоҳлик ва ҳурмат-

эътиромнинг бир кўриниши эмасми?!

Оғир кунда бизнинг кўнглимизни кўтарган, қурбон бўлганларнинг, беғуноҳ кетганларнинг оилаларига ҳамдардлик изҳор этган, Ўзбекистонда амалга ошириладиган демократик ва бозор иқтисодиёти ўзгаришлари, жамиятни янгилаш йўлини қўллаб-қувватлаётган хорижий дўстларимизга чуқур миннатдорлик билдирамиз.

Муҳтарам депутатлар!

Бугун, янги минг йиллик арафасида, бутун маърифатли дунё ўз тараққиёт истиқболлари, стратегиясини белгилаб олмоқда.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топган янги мустақил давлатлар учун бу вази-фа алоҳида маъно-мазмун касб этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва жамиятни ўзгартириш борасидаги ишлар натижасини ҳолис баҳолаш, устувор йўналишлар ва бундан кейинги ривожланиш стратегиясини шакллантириш янги аср бўсағасида турган кўпгина давлатлар учун хос бўлган умумий хусусиятдир.

Шу йилнинг охирида Ўзбекистонда ҳокимият олий органларига сайлов ўтказилишини ҳисобга олсак, бу вазифа биз учун ҳам нақадар муҳим эканлиги аён бўлади. Такрор-такрор айтмоқчиман: жамиятни янгилашнинг инқилобий усул-ларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий -- эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қила-миз. Мамлакатимизнинг тарихий ва мил-лий хусусиятларини, халқимиз табиатини -- менталитетини инобатга олсак, ривож-ланишнинг мазкур йўли биз учун ниҳоятда мақбулдир.

Шу нуқтаи назардан, ҳаётнинг ўзи, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва жамиятни янгилашнинг «Ўзбекча модели» танлаган йўлимиз ва тамойилларимизнинг тўғри эканини кўрсатмоқда.

Ислоҳотларнинг айнан босқичма-босқич амалга оширилиши, демократик ва бозор ислоҳотларини кучли ижтимоий сиёсат, аҳолининг ночор қатламларини муҳофаза қилиш билан уйғун олиб бори-лиши ижобий натижалар бермоқда. Бу ҳол, менинг назаримда, сиёсатимизнинг қўллаб-қувватланиши ва эътироф этилишига са-баб бўлмоқда.

Ютуқларимизга, энг аввало, ислоҳотларнинг аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишига таянган ҳолда, уларни яна-да чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олишимиз керак. Шунинг унутмайликки, бундан саккиз йил муқаддам бошланган янгилашни жараёнининг ютуқлари, халқимиз учун фаровон турмуш шароитларини яратиш, олдимизга қўйган мақсадларга етишмоғимиз -- буларнинг барчаси истиқбол режаларини нечоғли аниқ, оқилона ва энг муҳими, реал белгилаб олишимизга боғлиқ.

Шундай қилиб, XXI аср арафасида унинг дастлабки йилларида мамлакатимиз-нинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамият-ни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат бўлиши керак?

Биринчи устувор йўналиш -- мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш. Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва янгила-ниш жараёнларига баҳо берар эканмиз, шуни таъкидлашни истардимки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаш-тириш йўли ўз моҳият-эътиборига кўра мамлакатимизда амалга ошириладиган бар-ча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўлишига айланади.

Шу билан бирга, табиийки, биз бугун-ги эркинлаштириш жараёнларига, жамия-тимизни демократийлаштириш натижалар-ига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қараймиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда, эркин-лаштириш тамойилини кенгайтириш соҳасидаги асосий йўналишларни белги-лар эканмиз, диққат-эътиборимизни кўпроқ қайси вазифаларга қаратишимиз зарур?

Сиёсий соҳани эркинлаштириш бораси-да: авваламбор аҳолининг сиёсий фаол-лигини кучайтириш, жамиятда манфаат-лар ва қарама-қарши кучлар ўртасида му-возанатни таъминлайдиган кучли механиз-мларни шакллантириш зарур.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси

(Давоми. Аввал 2-бетда)

Демократиянинг энг муҳим тамойили -- одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиш бериш лозим.

Шу маънода ҳокимият тузилмаларига бўладиган навбатдаги сайловлар жамиятни эркинлаштириш ва демократик ислохотлар йўлида сиёсий тизимимиз учун катта синов бўлади.

Сайловларни Конституциямиз ва қонунчилигимиз талабларига қатъий таянган ҳолда, умумэтироф этилган халқаро амалиёт меъёрлари доирасида ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустақамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш боричи, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат.

Иқтисодий соҳасини янада эркинлаштириш мақсади -- биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролясини чегаралаш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодийнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустақамлаш демакдир.

Иқтисодий устувор йўналиш -- жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий поклашни ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг имон-иродасини, эътиқодини мустақамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан.

Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, аини замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир.

Учинчи устувор йўналиш -- кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболагасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажатимиз, мамлакатимизнинг келажати, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ.

Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, ҳаётга табиқ этиш, ҳеч бир муболагасиз, стратегик мақсадларимиз -- фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур.

Тўртинчи устувор йўналиш -- халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислохотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислохотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак.

Бешинчи устувор йўналиш -- жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тоғувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон

бошқа давлатларнинг ички ишларига ара-лашмаслик, халқаро ҳамкорликни ривож-лантириш, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор маълум қилмоқчиман.

Аммо минтақадаги аҳвол, дунёнинг бошқа ҳудудларида вазиятнинг кескинлашу-ви Ўзбекистоннинг суверенитетига, изчил ва барқарор ривожига ҳавф солиши мум-кин бўлган кучларга муносиб жавоб қайта-радиган ҳавфсизлик тизимларини яратиш-ни тақозо этмоқда. Мазкур вазифаларни бажарган тақдирдагина биз фаровон тур-мушга, адолатли ҳаётга эришамиз, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрнимиз ва нуфузимиз бўлади.

Азиз ватандошлар! Мазкур йўналишлар ҳақида гап борар экан, албатта биз учун бу ишлар янгилик эмаслигини айтиб ўтмоқчиман. Гап, авва-ло, аллақачон бошланган ислохотлар моҳиятини янада теранроқ идрок этиш ва уни чуқурлаштириш, тараққиёт ва ривож-ланиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз гаро-ви -- муҳим йўналишларни муайян шаро-итларда рўёбга чиқариш ҳақида бормоқда.

Мазкур вазифаларни бажариш ва энг аввало, жамиятни янада эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш учун нима қилишимиз, диққат-эътиборимиз, имкони-ятларимизни нималарга қаратишимиз ке-рак?

Энг аввало қонунчилик фаолиятимизда-ги камчиликларни танқидий баҳолаб, бар-тараф этиш, қонунларимизнинг мукамал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва, энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зар-рур. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий асосларни шакллантириш жамия-ятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак.

Аҳолимизнинг сиёсий фаоллиги ҳали замон талаблари даражасида эмаслигини, ҳамон суст эканини қайта-қайта айтишга тўри келмоқда. Тан олишимиз керак: эски андозалардан тўлиқ кўтила олмаямиз. Бар-ча муҳим қарорлар юқоридан қабул қили-ниб, бизларни бор-йўғи итоатгүй ижрочи-ларга, баъзан ўйланмай қабул қилинган қарорлар қурбонига айланган маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тузум иллатлари-дан жудо бўлишимиз қийин кечаяпти.

Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай на-зорат қилинаётганини билишлари, бу қарор-ларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача айтган-да, жамият марказида ва жойларда сайлан-ган ҳокимият ўз тақдирини қай тарзда ҳал этаётгани, уларнинг истиқболини қай тар-зда белгилаётганидан хабардор бўлиб тури-ши керак.

Ҳар бир инсон жамиятдаги ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис этиши даркор.

Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар -- **партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини** мустақамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ.

Бу гап аввало партиялар масаласига тааллуқли. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маъ-навий ҳаётини муносиб ўрин ололмаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Айтиш керакки, бу танқид ўринлидир.

Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотла-ри ҳокимият тизимларидан, аввало ҳоки-миятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурларнинг амалга оши-рилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришлар-га баракали таъсир этсин.

Бунинг учун аввало партия етакчилари ҳам, уларнинг тарафдорлари ҳам нима учун ва нимага қарши курашаётганларини аниқ-равдан тасаввур этишлари зарур.

Барча демократик давлатларда бўлганидек бизда ҳам партияларнинг ўзаро кураши, гоё ва қарошларнинг рақобати, керак бўлса, сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий. Албатта, бу кураш мамла-катда қабул қилинган конституцион ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчилик тартиб-қоидалари доирасида олиб борилиши ке-рак.

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Сунгги беш йил ичида жамоат бирлашмалари ва нодав-лат ташкилотлар сони 1500 тага кўпайиб,

бугун уларнинг сони 2300 тага етди. Улар фақат аҳоли фикрининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллан-тиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда.

Бугун сессияда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун муҳокама этилади ва биз уни яна бир бор танқидий кўз билан баҳолашимиз зарур. Муҳими шундаки, қонун асосида ташкил этилаётган нодавлат ва жамоат ташкилотлари фақат хайрия ва мурувват муассасаларига айланиб қолмасин. Тўғри, бу хайрли ишлар ҳам жамоат ташкилотлари фаолиятининг бир жиҳати, лекин асосий томони эмас. Улар-нинг бош вазифаси -- энг аввало, демокра-тик кадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад -- жамият аъзо-ларининг манфаатлари мувозанатини таъ-минлаш ва ҳимоя қилиш. Сиёсий ва ижти-моий соҳада эса давлат тизимларига муқобил куч сифатида улар адолат тарозисини ҳаётда ҳукмрон қилишга ҳисса қўшишлари лозим.

Бугун аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалти-риш ўта муҳим масаладир. Жамиятнинг гуллари айнан мана шу аёлларимиз ва ёшларимиздир, десак, асло муболага бўлмайди. Шунинг учун ҳам аввало Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Дастур тадбирларини оғишмай, изчил амалга ошириш зарур. Бундан ташқари, аёллар меҳнатини энгилаштириш, айниқса улар-нинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш ва керакли тадбир-ларни амалга ошириш даркор.

Аёллар ўртасида олиб бориладиган иш-ларнинг шакллари кенгайтириш, улар-нинг илмий ва маданий савиясини кўтариш керак. Шуни унутмайликки, жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгариллаб кетгани шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маъна-вий савиясини белгилайди.

Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз мамлақати-мизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фази-латлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзан-даримизнинг ҳаётга нечоғли фаол муноса-батда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Бизнинг бутунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ.

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур.

Шундай экан, вояга етмаганлар ўрта-сида жиноятчилик даражасининг юқорилигича қолаётгани, рўйхатта олинган ишсизларнинг анча қисмини ёшлар таш-кил этиши бизни ташвишга солмай қўймай-ди.

16 февралдаги фожиали воқеаларнинг иштирокчилари асосан ёшлар экани бизни айниқса ташвишлантиради. Бизнинг беғам, лоқайдлигимиз, ишимиздаги камчиликлар оқибатида улар жиноий гуруҳлар, экстре-мистлар таъсирига, диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолган.

Бу аввало сиёсий-ижтимоий соҳадаги муайян нуқсонлар, энг муҳими, ёшлар таш-килотлари ва маҳалла кенгашилари ишидаги катта камчиликларни кўрсатади. Мен бу масалада давлат ҳокимияти ва жамоат таш-килотлари барча бўғинлари раҳбарларининг айби борлигини таъкидлашга мажбурман.

Хурматли халқ ноиблари! Давлат қурилиши жараёнларини чуқурлаштириш ва эркинлаштириш тўғрисида гапирганда Конституцияда ва қабул қилинган қонунларда кўзда тутилган -- **ҳокимиятнинг турли тармоқларини бир-биридан ажратиб таъминлаш** амалда қандай рўёбга чиқарилаётганига алоҳида эътибор бериш муҳимдир.

Мамлакатимизда амалда давлат бошқаруви тизими таркиб топди. Давлати-мизда қонун чиқарувчи олий орган -- Олий Мажлис бор, сайлаб қўйиладиган маҳаллий ваколатли органлар -- Кенгашлар бор, Президент бор, Бош вазир, Бош вазир ўрин-босарлари бор, тегишли ваколатга эга бўлган вазирлар ва маҳкамалар раҳбарлари бор. Ҳокимлар ва уларнинг таркибий бўлинмалари бор. Табиийки, ана шу ти-зимнинг ҳаммаси, ундаги ҳар бир ҳокими-ят тузилмаси ўз вазифаларини аниқ бажар-иши ва ягона пировард мақсадни -- халқ иродаси ва умидларини рўёбга чиқаришни

кўзлаб ишлаши керак.

Келинг, ўзимизга шундай савол берай-лик: бу тизим қанчалик самарали ишламоқда, бу тизимнинг ҳар бўғини ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ва бурчларини қандай бажармоқда?

Тўрачилик, ўз вазифасига совуққонлик билан қараш, порога сотилиш ҳоллари бу тизим асосларига нечоғли зарар етказмоқда?

Бу муаммоларни ечиш учун қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим:

Биринчидан, давлат бошқаруви тизи-мининг ўзини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида, улarga ўхшатиб такомиллаштириш. Бу тўғрисида давом этадиган жараёндир;

Иккинчидан, кадрлар масаласини ҳал этиш. Бошқарув тизимининг асосий, ҳал қилувчи жойларида замонавий фикр юри-тадиган, ўз халқи, ўз Ватани манфаатла-рига гоёят садоқатли, юқори малакали кад-рлар ишлаши лозим;

Учинчидан, ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик, аввало сайлаб қўйиладиган ҳамда ваколатли органлар назоратини, бошқача айтганда, зарур ваколат берилган халқ депутатлари амалга оширадиган на-зоратни бутун чоралар билан кучайтириш лозим.

Бир мисолни олиб кўрайлик. Мамлакат парламенти -- Олий Мажлис Конститу-цияга мувофиқ бизда Президент тақлифи бўйича бошқа мамлакатлардаги каби фақат Бош вазирнигина эмас, балки ҳукуматнинг бутун таркибини номма-ном сайлайди. Лекин ҳукумат аъзолари парламент томо-нидан уларнинг фаолияти мунтазам назо-рат қилинаётганини ҳис этиптимиз ёки йўқми?

Афсуски, жойларда ҳам худди шундай аҳвол мавжуд. Маҳаллий Кенгашлар -- ва-колатли органлар томонидан сайланади-ган биринчи шахслар -- ҳокимлар ҳамда ҳокимликлар таркиби депутатлар олдида ўзлари мунтазам ҳисобот беришлари ло-зимлигини қанчалик сезишяпти? Бу бора-да ҳал этиш зарур бўлган жуда катта му-аммо мавжуд.

Биз олдимизга фуқаролик жамияти бар-по этиш мақсадини қўйганмиз.

Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмала-рига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутлади.

Давлат тасарруфида асосан конституци-он тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва муҳофаза қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлик-ларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар қолиши керак.

Стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва ҳўжалик масалалари бўйича, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масала-лари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривож-лантириш, янги тармоқларни вужудга кел-тирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилиши лозим.

Қолган барча вазифалар ва айниқса, биринчи навбатда, бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривож-лантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдирish, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамлар-нинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши керак. Аини шу йўл билан биз фуқаролик жамия-тининг мустақам асосларини барпо эти-шимиз мумкин.

Қонун нуқтаи назаридан қараганда маҳаллий органлар, янги қонунлар қабул қилинган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам кўп жиҳатдан ана шундай ваколатларга эга бўлди. Энди энг муҳим вазифа ана шу ваколатларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмини яра-тишдир.

Биз маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ор-ганлари олдида қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун улар етарли молиявий ресур-

(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси

(Давоми. Аввали 3-бетда)

сларга эга бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун уларнинг даромадларини шакллантирувчи манбаларни мунтазам кенгайтириб бориш зарур бўлади.

Бугунги кундаёқ солиқ тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган барча маҳаллий солиқлар ва йиғимларгина эмас, умумдават солиқларининг анчагина қисми ҳам маҳаллий бюджетларга йўналтирилмоқда. Натижада давлат бюджети барча даромадларининг 62 фоизидан кўпроқ қисми маҳаллий бюджетлар улушига тўғри келмоқда. Энг муҳими эса, барча бюджет харажатларининг 58 фоизидан кўпроги маҳаллий бюджетлар орқали амалга оширилмоқда.

Жамоат идораси бўлимиш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ресурсларини мустақамлашда шу органлар орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланаётган катта миқдордаги бюджет маблағидан ташқари, тадбиркорликни фаол ривожлантириш, кичик корхоналар ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси иншоотларини барпо этиш ҳисобидан тушадиган маблағни кўпайтиришни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ йўналтириш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва маъқеларини ошириш даркор. **«Кучли давлатдан -- кучли фуқаролик жамияти сари»** деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратди. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади.

Хурматли депутатлар! Суд-ҳуқуқий соҳасига дахлдор ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида тўхталмоқчиман.

Биз адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар кўрмоқдамиз.

Ҳар қандай суд жараёнида, жиноий иш қўрилайётган бўлса ҳам, фуқаролик иши қўрилайётган бўлса ҳам, бир томонда айбловчи, иккинчи томонда тенг ҳуқуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади.

Фақат қонунга буйсунувчи суд, судьялар эса қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини холисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради. Бундан хулоса қилиб айтиш керакки, суд тизимини ислох қилиш аввало **ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак.**

Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазолловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади.

Бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш учун суд-ҳуқуқий тизимини ислох қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш учун Олий Мажлис ҳузурида -- парламентда доимий ишлайдиган ваколатли комиссия тузишни зарур деб биламан. Бу комиссияга тегишли ваколатларни бериш керак.

Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақиқи равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор.

Оммавий ахборот воситалари ҳаётимизга кун сайин чуқурроқ кириб бораётганини ҳозир ҳеч ким инкор этолмайди. Бу жараёни биз табиий ҳол деб қабул қилмоқдамиз. Бугунги кунда нашрлар сони кўпайибгина қолмасдан -- ҳозир 490 та газета ва 138 та журнал рўйхатта олинган -- жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида уларнинг аҳамияти ва тутган ўрни ҳам ортиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансаб-

дор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг маъқелини кучайтириш зарур. **Айни шу оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин миён бўлиши керак. Айни шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим.**

Оммавий ахборот воситалари ҳамisha жамоатчилик фикрига кучли таъсир ўтказишга қодир бўлган фаол курул бўлиб келганини унутмаслигимиз керак. Шу сабабли журналист кадрларнинг, қалами ўткир, демократик одамларнинг қалбига кириб бора оладиган кишиларнинг масъулияти каттадир. Биз журналистлар аҳли сиёсий етук, масъулиятли, ҳалол ва виждонли, ўз ишини яхши биладиган, мамлакатимизнинг ватанпарвар кишиларидан иборат бўлишига эришмоғимиз даркор.

Азиз дўстлар!

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур. Шу билан бир вақтда ҳар бир инсон тўраларча ўзбошимчаликдан, қонунсизликдан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган идоралар мавжудлигига амин бўлмоғи керак.

Бу ҳусусда мен қуйидагиларни амалга оширишни таклиф қиламан.

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш.

Инсоний мезонлар, ҳуқуқматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалалари бўйича Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш лозим. Республика минтақаларида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, Омбудсман институтининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартномаларга қўшилишга доир ишларни давом эттириш керак.

Янги халқаро шартномаларга қўшилишга қолмай, шу декларациялар бўйича зимманинг олган халқаро мажбуриятларни бажаришнинг, барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бу декларациялар талабларига сўзсиз риоя қилишининг механизмини қонун йўли билан ишлаб чиқиш зарур.

Учинчидан, фуқароларнинг ижроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона қўриб чиқиш учун, давлат органлари масъулиятини ошириш мақсадида «Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини қўриб чиқиш тартиби тўғрисида» қонун қабул қилиш зарур.

Энди иқтисодиёт масалаларига ўтсак.

Бу соҳада **биринчи** галдаги асосий вазифа -- мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. **Бошқача айтганда бўлса, биз ўз олимизга қўйган мақсадни -- хусусий мулкчилик етакчи ўрнида турадиган кўпқаблали иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак.**

Бу устувор вазифани бажариш мақсадида биз пайчилик муносабатлари орқали, фермер ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш орқали қишлоқда эгалик туйғусини қайта тиклаш юзасидан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарорларимиз ҳаётда тўла рўйбга чиқиши учун барча ишни қилишимиз лозим.

Эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарур. Кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш учун ҳамма йўлни очиб бериш лозим.

Тадбиркорлик тузилмаларининг молия, банк ва бошқа бозор тузилмалари билан муносабатларини мустақамлаш, энг муҳими, кредит олиш йўлида мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш лозим. Уларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш, улар ишлаб

чиқараётган маҳсулот мамлакатнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисидан ҳам сотиладиган бозорни кафолатловчи тизимни барпо этиш даркор.

Кичик бизнес учун бошқарувчи кадрлар тайёрлайдиган, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширадиган бизнес мактаблари тармоғини вужудга келтириш зарур.

Энг муҳими эса, биз, иқтисодиёт таркибида кичик, ўрта ва хусусий бизнес муносиб ўрин эгаллашига, керак бўлса, ҳал қилувчи ўринни эгаллашига, яқин икки-уч йил ичида кичик ва хусусий корхоналар сонини икки баравар кўпайтириб, яъни миллий маҳсулотда уларнинг улушини **камидан 25 фоизга етказишга эришмоғимиз лозим.**

Иккинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат -- бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир. Биз «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида» қонун қабул қилганмиз, лекин у амалда иш бераётгани йўқ. Статистика маълумотларига қараганда, эндиликда давлат тасарруфидан бутунлай чиқарилган савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам монополия тузилмаларига дуч келямиз.

Ахвол шундай экан, қонун ва кишилар манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган Монополиядан чиқариш кўмитаси, солиқ органлари, прокуратура нима билан шуғулланмоқда, деган савол туғилади. Афсуски, улар бу масалалар билан жиддий шуғулланишмаяпти. Натижада ишлаб чиқаришга, энг муҳими эса, истеъмолчига, одамларнинг манфаатларига зарар етмоқда.

Хўш, бу соҳада ахволни ўнглаш учун нима қилмоқ керак? Аввало, монополияга қарши қонунни кучайтириш, монополия тузилмаларини камайитириш ва тугатиш юзасидан амалий чоралар кўриш лозим. **Табиий монополиялар тўғрисида қонун қабул қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор.**

Учинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш тўғрисида сўз юритганда, **бозор инфратузилмасини ривожлантириш**, молия ва банк тизимини фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда. Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси -- фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиши лозим бўлган бошқа тузилмалар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, биз иқтисодиётимизни очик, эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаيمиз.

Шу жиҳатдан қараганда, банк тизимини ислох қилишни жадаллаштириш, фонд бозорини ташкилий жиҳатдан мустақамлаш, халқаро ярмарка савдоси билан шуғулланадиган республика марказини барпо этишни ниҳоясига етказиш, ташкил этилган улгуржи бозорлар фаолиятини яхшилаш зарур. Хуллас, бозор инфратузилмасини барча даражада изчиллик билан шакллантириш амалий ва қонунчилик фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи керак.

Тўртинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш лозим. Мен бу соҳани бошқариш ҳақдан ташқари расмийлашиб, маъмурийлашиб кетган, деб ҳисоблайман. Унда иқтисодий йўл билан, тарифлар билан бошқаришдан кўра маъмурий чеклашлар орқали бошқариш усуллари устунлик қилмоқда. Биз ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳонда қабул қилинган маърифий шаклларига тезроқ ўтишимиз, Бутун дунё савдо ташкилотига аъзо бўлишга эришмоғимиз даркор.

Шу билан бир вақтда биз иқтисодиётимизга хорижий сармояни янада кенгроқ жалб этиш учун, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида, жаҳон бозоридан рақобат қила оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишда хорижий инвесторлар янада фаол иштирок этиши учун яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни такомиллаштиришимиз лозим.

Бешинчидан, валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш зарур. Биржадан ташқари бозорни кенгайтириш ва ривожлантириш, тижорий банкларнинг роли ва масъулиятини ошириш ҳисобидан, 2000 йилдан бошлаб миллий валютани

эркин муомаладаги валютага тўлиқ алмаштириш (конвертация қилиш) масаласини ечиш вақти келди. Бу тадбир мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш гарови ва кафолатидир.

Олтинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш аввало давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан **корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашини чеклаб қўйиш билан боғлиқ.** Бу соҳада текширишлар ва тафтишлар сонини кескин чеклаб қўядиган маълум қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, ҳозир ҳам корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиб фикрдан қайтмаган кишиларни қаттиқ жазолаш лозим бўлади.

Бундай тартибсизликлар учун хизмат бурчи юзасидан тадбиркорларнинг манфаатини ҳимоя этиши лозим бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиқ органларининг нопок ходимларига нисбатан талаб бир неча бор кўпроқ, жазо эса янада қаттикроқ бўлиши керак.

Иқтисодиётни эркинлаштириш -- хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демакдир. **Банкротлик институтининг аҳамиятини ошириш, хўжалик судлари фаолиятини кучайтириш лозим.**

Хурматли депутатлар!

Мамлакатимиз келажакдаги учун Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг амалга оширилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу дастурни бажариш учун жавобгар кишилар олдида мен қуйидаги вазифаларни қўймоқчиман.

Биринчи. Янги ўқув йили бошлангунга қадар таълим тизимида мазкур тажриба қандай ўтаётганини ва унинг дастлабки натижаларини чуқур таҳлил этиб, таълим андозалари, ўқув режалари ва дастурлари мазмунига ислохотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда, яъни янги авлодни камол топтиришга қаратилган зарур тузатишлар киритиш даркор.

Иккинчи. Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур.

Учинчи. Юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс-фуқарони камол топтириш эртага синфхоналар ва аудиторияларда кимлар дас ва сабоқ беришига боғлиқ.

Умуман ислохот йилларида биргина ўрта махсус, касб-хунар таълими учун 86 та янги муҳандислик-педагогик йўналишлар бўйича 50 мингдан ортиқ педагог кадрлар тайёрлаш лозим бўлади.

Тўртинчи. Иқтисослашган қурилиш трестлари тузишни ниҳоясига етказиш, барча зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва Дастурда белгиланган академик лицейлар ва касб-хунар коллежаларини фойдаланишга топшириш ишларини тўла ҳажмда бажариш лозим.

Жорий йилда ва 2000 йилда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳари замонавий талабларга жавоб берадиган янги турдаги ўқув юртлари билан таъминланиши учун 180 та янги касб-хунар коллежи ва 15 та академик лицейни қўриб фойдаланишга топшириш лозим. 2005 йилга қадар биз республикамизда 1611 та касб-хунар коллежи ва 181 та академик лицейдан иборат бўлган ўрта махсус ва касб-хунар ўқув юртларининг замонавий тармоқларини бунёд этишимиз керак. Бу тўққизинчи синфларни битирувчиларни ўрта махсус, касб-хунар таълими мактабларига тўла қамраб олишни таъминлайди.

Яна бир бор таъкидлаб ўтишга тўғри келади: амалга оширилаётган барча ислохотларнинг тақдирини шу масалага, яъни кадрлар тайёрлашга чамбарчас боғлиқлигини биз аниқ ва равшан англаб олишимиз лозим. Ҳозирги замонавий ҳақиқий ватанпарвар иш биладиган ҳар бир киши бу Дастурни амалга оширишга ўз меҳнатини, ўз улушини қўшади, деб ишонаман.

Кадрли дўстлар! Демократик ва бозор ислохотлари ҳамда янгиланиш йўлида қиладиган барча ишларимиз халқимиз манфаатларини қўллаб, уларнинг фаровонлигини оширишга қаратилиши лозимлигини мен қайта-қайта таъкидлаб келаман.

(Давоми 5-бетда)

Ўзбекистон XXI асрга интилоқда

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси

(Давоми. Аввали 4-бетда)

Мамлакатимизда вужудга келаётган макроекономик вазиятга ҳамда иқтисодий амалда юксалишига асосланиб, биз, энг аввало, ҳозир яқин беш йил ичида иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баравар оширишни ўз олдимишга вазифа қилиб қўйишга ҳақимиз. Иш ҳақи энг кам миқдорининг бундай оширилиши иқтисодий юксалишнинг бошқа омиллари билан қўшилиб, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8-2,0 баравар оширишга имкон беради.

Иқтисодидан, аҳоли даромадларини ошириш билан бир қаторда уларнинг харид қувватини ҳам ошириш зарур. Бунинг учун пулнинг қадрсизлигини қарши қаратилган қатъий чораларни кўриш ва яқин беш йил ичида пулнинг қадрсизлигини даражасини йилга 6-8 фоиз камайишига эришиш зарур. Асосан мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига ички истеъмол бозорини кундалик зарур товарлар билан мунтазам ва ишончли тарзда тўлдирish чора-тадбирларини амалга ошириш даркор. Шу мақсадда саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида истеъмол товарларининг улушини яқин беш йил ичида 50 фоизга етказиш зарур.

Учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги механизмини танқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш лозим бўлади. Давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган кишилар ва оилаларгина ижтимоий ёрдам олишлари лозим.

Тўпланган ижобий тажрибани ҳисобга олиб фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш тажрибасини янада кенг жорий этиш зарур. Шундангина биз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда аниқликни ва адолатни таъминлай оламиз. Энг муҳими эса, шу мақсадлар учун ажратилаётган катта маблағдан самарали фойдаланишни таъминлай оламиз.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларнинг талаблари ва эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Ҳокимликлар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот органлари яқин беш йил ичида ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг уй-жой-манжий шaroитларини яхшилаш, уларни дори-дармонлар ва махсус муолажа билан таъминлаш, қариялар ва ногиронлар интернетларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари зарур.

Ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш учун уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, ўқитиш, қайта ўқитиш ва ишга жойлаштиришни ташкил этиш лозим.

Шунингдек, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан реабилитация қилиш

бўйича болалар ногиронлигининг олдини олишни, уларга тиббий, ижтимоий жиҳатдан мадад бериш ва меҳнат қобилиятини тиклашни, касб ўргатиш ва сўнгра ишга жойлаштиришни кўзда тутадиган махсус Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Бу ишларнинг ҳаммасига хайрия ташкилотларини, давлатга қарашли бўлмаган жамғармаларни, тадбиркорлар ва ҳомийларнинг маблағини кенг жалб этиш лозим.

Тўртинчидан, аслида, бу вазифани биринчи қилиб қўйиш ҳам мумкин, меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш бўйича фаол сиёсат ўтказиш керак. Бу борада ишсизликнинг олдини олиш, меҳнатга яроқли ҳар бир фуқаро ўз меҳнатидан даромад топиб, ўз эҳтиёжларини қондириши, ўз турмуш даражасини, оиласи ва болалари фаровонлигини ошириши учун зарур шарт-шaroит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Вазирлар Маҳкамаси барча даражадаги ҳокимликлар билан биргаликда 2000-2005 йилларда аввало қишлоқ жойларда, ислохотлар давомида қишлоқ хўжалигидан бўшаб қолаётган ортиқча ишчи кучларини жалб этишни ҳисобга олган ҳолда молиявий манбалар билан мустаҳкамланган янги иш жойларини барпо этиш Дастурини ишлаб чиқиши лозим.

Шу билан бир вақтда жойларда ишсиз сифатида рўйхатга олинган кишиларни худудларни ободонлаштириш, йўллар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга доир ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига кенг жалб этиш лозим.

Бешинчидан, ижтимоий инфратузилмани аввало қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан қабул қилинган Давлат дастурини бажариш лозим. Яқин беш-етти йил ичида мамлакатнинг барча аҳоли пунктлари сифатли ичимлик сув билан таъминланиши зарур. 2005 йилга қалар қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш 85 фоизга, табиий газ билан таъминлаш 82 фоизга етказилиши керак. Бунинг учун 1999-2005 йилларда қишлоқ жойларда 30 минг километрга яқин газ тармоқларини, 18 минг километр сув қувури тармоқларини ишга тушириш даркор.

Халқ фаровонлигини барқарор, муттасил оширишни, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг устувор йўналиш қилиб белгилаб, шу йўл билан ислохотлар фақат инсон манфаатларини кўзлаб, унинг фаровонлиги учун амалга оширилади, деган асосий қондамизни яна бир бор тасдиқлаган бўламиз.

Муҳтарам халқ депутатлари! Сизларнинг эътиборингизни Қуrolли Кучларни, чегара қўшинлари ва ички қўшинларни ягона давлат сиёсати асосида бошқичма-бошқич, чуқур ислох қилиш масалаларига қаратмоқчиман.

Армияни ислох қилишнинг моҳияти нималардан иборат?

Биринчи. Мудофаа соҳасидаги мавжуд ва эҳтимол тутилган таҳдидларни таҳлил этиш билан мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор, жанговар қобилияти юксак, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Қуrolли Кучларни шакллантиришни тақозо этади.

Шу мақсадда мамлакат худудида ҳарбий-маъмурий бирликлар -- ҳарбий округларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қуrolли Кучларнинг қўшилмалари ва қисмлари қайтадан жойлаштирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси қўшинларни бошқариш самарадорлигини анча оширишга, уларни энг муҳим стратегик йўналишларда жамлашга, худудий мудофаанинг ҳақиқий тизимини шакллантиришга имкон беради.

Шу билан бир вақтда Қуrolли Кучлар сонини анча камайитишимиз лозим. Бу шунчаки бир чора, юзак би ҳараён эмас, балки сонини ва тузилиши, профессионал таркиби жиҳатидан энг мақбул армияни тузиш юзасидан пухта ўйлаб, ҳисоблаб чиқилган аниқ режалардир.

Армияни қисқартириш натижасида бўшайдиган маблағни биз шартнома билан ишлайдиган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига тўланадиган ҳақни оширишга сарфлаймиз. Бу эса ана шу тоифадаги ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга имкон беради. Биз шунга эришмоғимиз керакки, ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг нуфузли иши, шон-шараф иши бўлмоғи лозим.

Иккинчи. Илғор мамлакатлар ва армияларнинг тажрибаларини ўрганиш асосида Қуrolли Кучларимизни ташкил этиш таркибининг ўзини қуйи бўғинлардан тортиб юқори бошқичларга ва бошқаришни тубдан қайта қўриб чиқишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўймоқдамиз.

Учинчи. Ислохот ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, профессионал тайёрлигини ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг бутун тизимини қайтадан қўриб чиқишни кўзда тутди. Бу жангчиларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ва мустаҳкам иродани тарбиялашга, профессионализмни, аёло жанговар тайёргарликни таъминлашга қаратилиши лозим.

Тўртинчи. Қуrolли Кучларни ҳарбий-техникавий жиҳатдан қайта қуrolлантириш ва янгилан комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Армиямиз зарур техника ва қуrol-яроғлар билан етарли миқдорда таъминланиши даркор. Бу армия олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Сўнгги вақтда чегара қўшинларини ислох қилиш бўйича амалий чораларни қўриямиз. Чегарачиларимиз олдида турган асосий вазифалар мамлакатимизнинг худудий яхлитлигини таъминлаш, қўпуровчи-террорчи гуруҳлар ва айрим ёвуз унсурларнинг чегара орқали юртимизга суқулиб киришига йўл қўймастик, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ҳозирги вақтда чегара қўшинлари --

давлатимиз сарҳадларини ҳимоя қилишнинг биринчи эшелонини ташкил этадиган мустақил қўшин туридир.

Шу мақсадда Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси тузилди, чегара минтақалари ва қўмитанинг бошқа худудий бўлинмалари ва қисмлари ташкил этилди. Ҳукумат чегара қўшинларининг моддий-техника базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, чегара инфратузилмасини ташкил этиш юзасидан барча зарур чораларни кўрмоқда.

Биз чегараларимизни мустаҳкамлаш эканмиз, бу ташқи дунёдан ажралиб қолишга ҳаракат қилаётганимизни билдирмайди, албатта. Ўзбекистон барча қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришдан, ягона савдо маконини барпо этишдан, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришдан манфаатдордир.

Нияти пок, гоёси соғлом кишилар учун, илмий, маданий ва гуманитар мулоқот учун бағримиз очик. Шу билан бир вақтда биз мустақил давлат сифатида, миллий манфаатларимизга амал қилиб, ўз чегараларимизни ишончли ҳимоя қилиш ва қўриқлаш юзасидан зарур чораларни қўришга ҳақимиз ва мажбурмиз.

Ички ишлар вазирлиги тузилмасида ҳам туб таркибий ислохотларни амалга ошириш белгиланган. Ички қўшинлар вазифалари, тузилиши қайта қўриб чиқилди. Уларни ташкилий, моддий-техникавий жиҳатдан анча мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, йўл ҳаракати хавфсизлигини, жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлайдиган бўлинмаларни ислох қилиш устида ишламоқдамиз.

Ислохотлар натижасида ички ишлар органларининг фуқароларни ва жамиятни террорчилик, қўпуровчилик хуружидан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноят қўринишларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизим шаклланиши зарур.

Ички ишлар органлари шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гарови бўлиши лозим.

Армияни, чегара қўшинлари ва ички қўшинларни ислох қилишга доир давлат сиёсатини амалга ошириш фақат мудофаа салоҳиятимизни юксалтиришга қаратилган. Бошқача айтганда, бу жараён ягона мақсадни -- ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш учун, одамларимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш учун шарт-шaroит яратиш беришни кўзлаб амалга оширилмоқда.

Азиз юртдошлар! Биз XXI аср бўсағасида турибмиз, биз янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимишга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истикболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир.

Президентимиз МДХ мамлакатлари давлат раҳбарларининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Москвага сафарни олдида олмайви ахборот воситалари ходимларига берган интервьюларида, алданиб хато йўлга кириб қолган фуқароларни кечиринг ҳақидаги гаплари адишган ҳамюртларимиз учун катта имконият яратди. Бу ерда кўлаб ёшларимиз ҳуқуқ-тартибот идораларига ўз қилмишларидан тавба-тазарру қилиб, мамлакатимизда динни ўрганишни, эътиқод қилишни истиқомат учун яратилган эркинлик ва қўлайликлардан фойдаланмасдан, турли шубҳали кимсалар таъсирига тушиб, алданганликларидан пушаймонда эканликларини айтмоқдалар. Муҳбиримиз Хоразм вилоятидаги Имом Фахриддин ар-Розий ислом ўрта махсус билим юрти ходими, бир пайтлар ваҳҳобийлик оқими таъсирга тушиб, кейинчалик бу оқимнинг гаразли сиёсий мақсадлари бор эканлигини тушуниб, тўғри йўлга қайтган Ҳикматулло Юсуфов билан суҳбатлади.

-- "Ваҳҳобийлик", "ҳезби-тахрир", "акромийлар" каби турли ақидапараст оқимларга қарши курашда дин аҳлининг вазифаси нимадан иборат деб ўйлайсиз?

-- Биз бугунги кунда муқаддас Ислом динини ниқоб қилиб, ўзларнинг нопок ниятларини амалга оширишни кўзлаётган "ваҳҳобий", "ҳезби-тахрир" каби турли оқимларга мансуб ақидапарастларнинг қирқдорларини фош қилмоқлик учун ўзимиздаги бор илмни сарф қилмоғимиз зарур. Диний билимларимиз саёз бўлса, чин эътиқодимиз сует бўлса, унинг

ТАВБА ҚИЛГАН КЕЧИРИЛАДИ

ўрнини жаҳолат эгаллайди. Уларнинг асл мақсади асло динни тозалаш эмас. Балки муқаддас ислом динимизни восита қилиб, халқимиз бошига ҳар хил фитна ва иғволарни ёғдириб, ҳатто зуравонлик, қон тўкилиши эвасига бўлса-да, ҳокимиятга эга бўлишга интилоқда.

-- Куръони каримда ҳам бундай кураш усули оқланмаса керак? -- Ҳа, албатта. "Мўминлар худ-

ди бир ота-онадан туғилган ака-укадекдурлар, бир-бирларингиз билан меҳр-оқибатли бўлинлар", деб Оллоҳ номи билан Куръони каримда битилганини Пайғамбаримиз (с. а. в.) марҳамат қиладилар. Ақидапарастлар эса ўз мақсадларига эришиш учун ҳатто Куръони каримда ҳаром қилинган амаллардан ҳисобланмиш одам ўлдиришликни ҳам жаннатга киришликка восита, деб биладилар.

-- Бир пайтлар ўзингиз ҳам "ваҳҳобийлик" оқими таъсирига тушган экансиз.

берган илмлари, насиҳатлари билан бу йўлнинг нотўғри эканлигини тушуниб етдим. Иншооллоҳ, мана бугунги кунда қўлимдан келганча муқаддас динимизда энг машхур маъхаблардан ҳисобланмиш Имом Аъзам маъхабада динимизга, халқимизга хизмат қилиб келмоқдаман.

-- Тақсир, мана кейинги кунларда қўлаб ёшларимиз хато йўлга кириб қолганликларига, алданганликларига иқроор бўлиб келмоқдалар. Лекин шу билан бирга аф этилишларига ишонмаган ёки бу йўлдан қайтишни хоҳламаётган ҳамюртларимиз ҳам бўлиши мумкин. Шуларга мурожаат қилиб нима деган бўлардингиз?

-- Оллоҳга минг қатла шукрки, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқ дин эркинлигига йўл берилди, ўнлаб йиллар давомида беркилиб ётган масжидларимиз эштинг очилди. Қуръон мусулмонларга қайтарилди. Яратилган шaroитларга ношукр бўлмаслигини эсга келтирдим.

Президентимизнинг "ваҳҳобий", "ҳезби тахрир" каби оқимларга ўз фикрига эга бўлмаганлиги учун, алданиб қўшилиб қолган ёшларга мурожаатларини эшитиб, бизлар янада руҳландик. Хато йўлга қадам қўйган ёшларимизга мурожаат қилиб, бу йўлдан қайтишларини, халқни, ота-оналарини ташлаб узоқ юртларга кетиб қолганлари тезда ота-оналари бағрига, юртига қайтиб, кучларини, гайратларини шу юртнинг обод бўлиши учун сарфлашларини сўрайман. Оллоҳ Куръони каримда шундай оят билан марҳамат қиладилар: "Оллоҳ таоло вақтида гуноҳдан тавба қилган бандаларни ва гуноҳдан покланган бандаларни яхши кўради." Президентимиз бизга шундай ажойиб имкониятлар бердилар, мана шу имкониятдан фойдаланмасак, ота-онамиз олдида ҳам, халқимиз олдида ҳам юзимиз қора бўлади.

ЯНГИЛИККА ИНТИЛГАН ЁЛЧИДИ



Республика Президентининг ёшларини «Камолот» жамғармаси туғрисидаги Фармони қабул қилинганига бугун уч йил тўлди. Ана шу қисқа вақт ичида тилмаларга эришилди, қайси юмушларга улғурилмади, шундан кўнгли тўлмаган жиҳатлар ҳам борми, деган саволлар юзга келиши табиий. «Камолот» жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими раиси, Олий Мажлис депутати Боймурод Юсупов билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

— Боймурод ака, жамғарманинг ўзингиз раҳбарлик қилаётган вилоят бўлими ишидан қониқасизми?

— Менимча бирон ишдан кўнгли тўлди, дегани ўша ишнинг тўхтаб қолгани. Шунинг учун ҳам бўлим фаолиятдан қониқдим, десам нотўғри бўлади. Бугунги кунда жаҳонда юксак тараққий этган давлатларда ноҳукумат нотижорат ташкилотларга катта аҳамият берилмоқда. Бундай ташкилотнинг мавжудлиги жамиятнинг қай даражада эркин ва адолатли эканлигидан дарак беради. Шунинг учун ҳам бу масалага давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сўнгги сессиясида қабул қилинди. Хўш, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзи нима? Бундай ташкилотлар ўз маблағини ўзи топишга ҳаракат қилади, лекин уни аъзолари ўртасида эмас, балки муайян вазифаларни амалга ошириш учун сарфлайди. Истиқлолнинг кенжа фарзандларидан бўлиши «Камолот» жамғармаси ҳам ёш авлодни маънавий жиҳатдан етук, шарқона одоб, ахлоқ, демократик тамойиллар асосида шаклландирилган комил инсон бўлиб етиштирилди, улардаги миллий туйғулари шакллантиришга ўз фаолиятини йўналтирган. Бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимиз заминида ана шундай эзгу гоғлар мавжуд.

— Жамғарма бўлимларининг бугунги кундаги фаолиятини фақатгина танловлар ўтказиш билан чеклаиб қолмайптими?

— Авваламбор жамғарма ўтказётган ҳар бир тадбир у танлов бўлади ё бошқам; йигит-қизларни маънавий камолотга етказиш, дунёвий билимларини ошириш, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга, Ватанга муҳаббат туйғулари уйғотишга қаратилган. Қолаверса, маънавий неъмат ҳар қандай моддий бойликдан минг қарра устундир. Энди «Камолот»нинг Қашқадарё вилояти бўлими фаолиятига келсак, ўтган вақт мобайнида биз ЮНЕСКО, БМТнинг Ўзбекистондаги вакое-латхонаси, халқаро КАФЕ, СОРОС ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб, тил ўрганиш маркази, компьютер маркази, бизнес инкубаторлар ташкил этишга эришдик. Қишлоқ ёшлари ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, тижорат, консалтинг соҳасида хизмат қиладиган тузилмалар бор.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида ҳам бир қатор чора-тадбирлар белгилаб, амалга оширидик. Кўпгина ҳолларда айрим ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб-билмасдан қонунни бузишмоқда. Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоят бўлими «Ёшлар ва демократия», «Ёшлар ва ҳуқуқ», «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусида бир қанча семинарлар ўтказдик. Бу соҳани кенгрок қамраб олиш учун «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловини мактаблар, ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқувчилари ўртасида ташкил этдик. Бу тадбирларга бевосита вилоятдаги Ички Ишлар, Прокуратура сингари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари ҳам жалб этилди. Бундай учрашувлар янада самарали бўлиши учун «Сиз раҳбар бўласизми?» номи танлов ўтказмоқчимиз. Энди йигит-қизларимиз билан биргаликда ҳокимлар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этишади. Ёшларни келажакка тайёрлаш, узоқни кўра билиш, йигит-қизлар қалбидagi чўғни алаңгалатиш мақсадида «Қишлоқ ёшлари» деган танлов режаларини тузгандим. Бу режа амалга оширишда ҳозирда вилоят ҳокимлиги биздан ўз кўмагини аямаяпти, 250 дан ортиқ жамоа ва ширкат хўжалигида «Камолот»нинг жамоатчилик марказлари бўлиб, уларга маош тайинланган. Ишларимизнинг кўлами жуда кенг.

— Бугунги йигит-қизлар бундан саккиз-ун йил илгари ёшлардан кескин фарқ қилади...

— Ёшларнинг руҳияти, фикри, уй-хаёллари, муаммолари билан фақатгина биз эмас, барча корхона, ташкилот, ўқув муассасалари раҳбарларининг ҳисоблашишлари шартлигини бугун замон исботлаб турибди. Қувонарли томони шундаки, бугун йигит-қизларимизнинг аксарияти эркин, мустақил фикрга эга. Уларнинг дунёқарашини, тафаккурини ҳайратга тушмай илож йўқ. Шунинг учун ҳам барча чора-тадбирларимизни ёшларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб белгилаймиз. Албатта, камчиликлар йўқ эмас. Лекин биз доимо янгиликка интилиб, изланмоқдамиз. Уйлайманки, натижалар ёмон бўлмайди.

Н. УСМОНОВА
суҳбатлашди

— Ёқуб ака, санъатга кириб келаётган бугунги ёшлар билан сиз ва тенгдошларингизнинг саҳнага илк бор қадам қўйганидаги интилишлари, дунёқарашини ва мақсадларини қандай фарқлайсиз?

— Биз тенгдошларнинг санъатга яқинлашуви билан бугунги давр ёшларининг айна шу ҳолатидаги фарқни мен бир-бирига бутунлай ўхшаймай диган икки оламга менгайман. Ҳозирги ижтимоий-сиёсий муҳит ҳам, ёш авлодга берилаётган бундай катта эътибор ҳам у пайтларда йўқ эди. Бироқ санъатга бўлган меҳр кўпроқ эди, назаримда. Аввал ёшларнинг ўзи истеъдодини кўрсатишга интиланган бўлса, бугун биз ўзимиз ёш қобилият эгаларини излаб юрмиз. Кўринишидан, санъаткор ёшларимиз бугун кўпроқ маҳорат эгаллаш, чуқур билимга эга бўлишдан кўра, енгил-елпи ишлар билан тезроқ машҳур бўлишга қизиқишади. Албатта, санъатни қисмат деб билган фидойи тоифа ҳам бор-ки, бизнинг асосий умидимиз ҳам ана шундай йигит-қизлардан.

— Кейинги пайтда кўпгина актёрларнинг режиссёрлик билан шуғулланаётгани кузатилганда режиссёрлик актёрликка яқин, деган гап тўғрига ўхшайди. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

— Аслида, актёрлик билан режиссёрлик алоҳида-алоҳида санъат. Агар актёр ўзида режиссёрлик салоҳиятини сезса, албатта, тайёргарлик билан бу ишга қўл уради. Яна бир томони, балки актёрнинг қалбида томошабинга режиссёр бўлиб айтиладиган гапи борлигидандир... Қувонарлиси шундаки, режиссёрлик йўлини тутаётган актёрларимизнинг аксарияти муваффақиятга эришяпти.

— Ўзингизда режиссёрлик қилиш истаги йўқми?

— Баъзан бўлади. Ижод жараёнида баъзан мен катта-катта спектакллар саҳналаштиргим келиб қолади, ўзимча режалар ҳам тузиб қоламан. Бироқ мен режиссёрлик қиламан, деб ваъда беролмайман. Келажакда балки бу истагимни амалга оширарман, балки янги хоҳишларга алишарман - ҳудоба аён...

— Сўнгги пайтларда театрда кўра кинода кўпроқ роль ижро этаётгандексиз. Айниқса, «Чархпалак» видеофильмидаги ролингиз халқимизга жуда манзур бўлмоқда. Ушбу ролга жиддий тайёргарлик кўрдигизми, ёки ўз тажрибаларингиздан фойдалангансизми?

— Балки шундайдир, лекин алоҳида тайёргарлик кўрганам йўқ, десам ҳам бўлади. «Фатхуллага»ни халқимизга ёқатганидан хурсандман. Фақат кино деб театрни унутиб қўйганим ҳам йўқ. Катта-кичик роллар ижро этиб турибман.

— Театр ва кионинг фарқини жуда кўп гапиряди. Сизнингча, ушбу фарқни бир сўз билан қандай айтиш мумкин? Сизга қайси бири сеvimли?

— Театр ва кино санъати имкони-ятлари солиштирилса, фарқ жуда катта. Театр -- маҳорат ошириш мактаби, кино -- машҳурлик. Театр актёри кинода осонгина роль ижро этиши мумкин, бироқ киноактёр театр талабларига мослашиши қийин кечади. Бундан ташқари, кинода 2-3 ой давомида олинган фильм, театр спектаклида 2-3 соат давомида ижро этилади. Шулардан келиб чиқиб, бир сўз билан кинога тушиш -- осон, театрда роль ижро этиш қийин, деб айтиш мумкин. Мен ўз фаолиятимни шундан бошлаганим

«Туркистон» меҳмонхонаси

учун бўлса керак, театрни севаман.

— Назаримизда, бугунги даврнинг буюк актёрлари йўқдай?! Актёрларнинг катта-катта роллар ижро этиб, «кашф» бўлмаётганига сабаб нима деб ўйлайсиз? Яхши саҳна асарлари етишмайди, юксак салоҳиятли

иси бўлиб ишлаганман. Директорликка лозим топиб, таклиф қилишганда, йўқ демадим. Балки раҳбар сифатида қилаётган ишларимни айтсам, нокамтарлик бўлар, лекин ёруғ юз билан айта оламанки, қўлимдан келганча фаолиятимдан ҳаммани

рози қилаяман. Ҳар не бўлганда ҳам, қандай лавозимда бўлишидан қатъи назар, ҳаётимни театр сиз тасаввур қилолмайман. Мен театрнинг фарзандиман.

— Қандай муаммони театрнинг бугунги муаммоси, деб атай оласиз?

— Бу ҳақда кўп гапирилган бўлса ҳам айтаманки, халқимиз театр санъатининг ҳаётдаги, тарбиядаги ўрнини яхши тушуниши керак. Театрда қўйиладиган кундалик турмуш тарзимиз акс этган ёки комедияли асарларга томошабин тирбанд бўлади. Бироқ тарихий, бутун инсониятнинг муаммоси кўтарилган спектакллар қўйилганда залнинг ярми зўрға тўлади. Худди ана шу маънавий кемтикликни бугун театрнинг муаммоси деб ўйлайман.

— Сиз театр ва кино санъатида ўз мактабин яратган буюк санъаткорлар билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлгансиз. Уларнинг қандай хислатларини шогирдларингизга ҳам улашардингиз?

— Дарҳақиқат, мен шундай бахтли авлод вақилиман. Ҳар бир ишда, истаиманми-йўқми, устозлардан ўрганган маҳорат ва хислатларни ўзимда тирилтираман. Бутун халқ бошига кўтариб юрганда ҳам Олим Хўжаев, Абдор Хидоятлов, Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Зайнаб Садриева, Сора Эшонтураева каби устозларимиз кибрдан йироқ бўлишган, атрафдагиларга жумладан, бизга ҳам доимо меҳрибон бўлишган. Мен ҳам шогирдларимга бўлган муносабатда ҳам устозлар руҳи шод бўлиши учун самимий, меҳрибон бўлишга ҳаракат қиламан.

— Келажакда театр ёки кино юлдузи бўла оладиган ёшлар, деб кимларни айта оласиз?

— Нафақат келажакда, бугуннинг санъатида ҳам «юлдуз» бўлаётган йигит-қизларимиз бор. Мадина Мухторова, Зуҳра Ашурова, Тоҳир Саидов, Беҳзод Муҳаммадқаримов, Абдурайим Абдувоҳобовлардан умидланаман. Уйлайманки, улар халқимизга ҳали кўп ва хўп ажойиб роллар тақдим этиб, кўнглимизни шод этишади.

— Аввало инсон сифатида, қолаверса, элнинг суюкли актёри сифатида қандай саволдан кўрқасиз, ёки кўпроқ қай савол билан мурожаат қилишларини хўш кўрасиз?

— Ҳаётимда ҳам ижодимда ҳам нима иш қилсам, қандай муваффақиятга эришсам ёки хатога йўл қўйган бўлсам -- элга аён. Мен ўзим ҳақимдаги гапни яширмайман, бунинг иложи ҳам йўқ! Шунинг учун бўлса керак, умрим давомида бирор саволдан кўрқмадим, бирор саволни алоҳида яхши кўрмадим. Бунинг устига суҳбатдошларимнинг аксарияти янги-янги саволлар билан келишади, бирини қизиқтирган мавзу иккинчисини унча қизиқтирмайди.

«Туркистон» мухбири
Бектемир ПИРНАФАСОВ
суҳбатлашди

«МЕН МЕНАМ ФАРЗАНДИМАН»

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат Академик драма театри Бош директори, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб АҲМЕДОВ билан суҳбат.



режиссёрлар йўқми ёки актёрларимиз маҳоратсизми?

— Сиз айтган қирраларнинг ҳар бирини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Санъатнинг баъзи турлари каби театр ҳам «кўп қанотли» санъат. Аввало яхши асар, сўнг яхши режиссёр, ажойиб мусиқа ва саҳна безаги (декорация), ундан кейин яхши актёрлар бўлсагина, спектакль муваффақиятга эришади. Энди-энди миллий драматургияларимизнинг янги асарлари ёзилаёпти. Назаримда, бугунги сокинлик эртанги улғу ишлар олдидаги вазминликка ўхшайди. Мен ишонаманки, ўзбек театрнинг жаҳонга чиқишига жуда оз фурсат қолди.

— Бугун сиз республикамиздаги энг катта академик драма театрини бош-қараясиз. Шу билан бирга ижодий ишларни ҳам четлаб қўётганингиз йўқ. Икки масъулиятли юкни бўйинга олиш қийин кечмаяптими?

— Санъатининг севганидан сўнг, бу масъулият нима, ҳар қандай қийинчиликка чидайсан-да киши. Қолаверса, сенинг хизматларинг атрафдагиларга ёқса, баҳри дилини очса, ҳатто чарчаганингни ҳам билмай ишлайверасан. Тўғри, баъзида раҳбарлик ва актёрлик бир-бирини «хўш кўрмайди», ноқулайликларни юзга келтиради. Тинимсиз меҳнат буларнинг ҳаммасига барҳам беради. Шунинг учун ҳам, мен ўз қилаётган ишларимдан хурсандман.

— Раҳбар бўлишни орзу қилган-мидингиз?

— Агар йўқ, десам ёлғон бўлар, лекин ҳеч қачон астойдил раҳбар бўлишга интилмаганман. Театримизда узоқ йиллар касаба уюшмаси ра-

Б Р Ю С С Е Л. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари БМТ Бош котиби Кофи Аннанинг Косово можаросини барқарорлаштириш бўйича таклифини қўллаб-қувватлади. Ушбу таклифда Косоводан Югославия кучларини чиқариш ва ўлкага халқаро ҳарбий кучларни жойлаштириш назарда тутилган.

ЕИ мамлакатлари раҳбарлари Югославия президенти Слободан Милошевични яна Косовода ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга ва халқаро ҳамжамият талабларини бажаришга чақирди. Косово можароси Рамбуйеда тайёрланган келишув асосида ҳал қилиниши лозим, дейилади ушбу чақириқда.

В И Л Ъ Н Ю С. Литва ҳукумати юзга яқин косоволик қочқинни қабул қилишга ва уларнинг бу ерда яшаш учун зарур шарт-шароит яратиш беришга қарор қилди. Қарорнинг ижросини таъминлаш учун тегишли вазирликларга кўрсатма берилди.

Шунингдек, мамлакат ҳукумати Косово қочқинларига инсонпарварлик ёрдами сифатида 125 минг АҚШ доллари ажратди. Инсонпарварлик юклари ортидан беш машина Македония ва Албаниядаги қочқинлар истиқомат қилаётган масканларга жўнатилди.

П А Р И Ж. Косово можароси ва уни бартараф қилиш Европа Кенгаши парламентлар ассамблеясининг бўлажак сессияси кун тартибдаги энг муҳим масалалардан бири бўлади. Ушбу анжуман апрель ойи охирида Страсбургда ўтказилади, деб хабар беради ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Бўлажак анжуманда Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе ҳам иштирок этади. У Грузиянинг Европа Кенгашига расман аъзо бўлиши муносабати билан нутқ сўзлайди. Шунингдек, сессияда Албания президенти Ражаб Майдоний, Чехия Бош вазири Милош Земан ва Венгрия ташқи ишлар вазири Янош Мартони ҳам иштирок этиш истагини билдирган.

Шу кунги Европа Кенгаши ташкил топганининг 50 йиллиги муносабати билан кўплаб бошқа тадбирлар ҳам ўтказилади. Ҳозир ушбу ташкилотга 40 мамлакат аъзо бўлган.

В А Ш И Н Г Т О Н. Жаҳон банки Босния ва Герцеговинага 15 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз ажратишга қарор қилди. Банкнинг бу ҳақдаги ҳужжатида кўрсатилишича, мазкур маблағнинг асосий қисми Босния ва Герцеговинада маҳаллий ҳукумат органларини қўллаб-қувватлаш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва банк тизимини такомиллаштириш учун сарфланиши лозим.

Жаҳон банки Босния ва Герцеговинага 1996 йилдан буён турли лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 550 миллион доллар кредит берган.

П Е К И Н. ХХР раиси Цзян Цзэмин таклифига биноан, Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот икки кунлик амалий ташриф билан Хитойга келди. Ташриф доирасида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар хусусида фикр алмашилади.

ХХР ташқи ишлар вазирлигининг баёнот беришича, Хитой Фаластиннинг мустақиллик йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.



В А Ш И Н Г Т О Н. Жаҳон Банки Косоводаги қочқинларга ёрдам бериш учун Албанияга 70 миллион АҚШ доллари ажратиш ниятида. Хабарларга қараганда, маблағнинг биринчи қисми 30 миллион долларга тенг бўлиб, у май ойида етказилади. Маблағнинг қолган қисми бир неча ойдан кейин Тиранага етказиб берилади. Барча маблағлар қочқинларни қўллаб-қувватлашга, шунингдек, мамлакатда ҳуқуқий ислохотлар ўтказиш ва молиявий тизимни мустаҳкамлашга сафарбар этилади.

С Т О К Г О Л М. Швеция Бош вазири Йоран Перссон НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан 24-25 апрель кунлари Вашингтонда бўлажак саммитда иштирок этишга қарор қилди.

Швециянинг «Дагенс нюхетер» газетасида эълон қилинган хабарда айтилишича, Й.Перссон дастлаб ушбу тадбирда иштирок этишни режалаштирмаган эди. Лекин бўлажак учрашувда Косово можароси ва уни бартараф қилиш борасидаги масалалар ҳам муҳокама қилиниши уни шундай қарорга келишга мажбур қилган. Бош вазирга мамлакат ташқи ишлар вазири Анна Линд ва мудофаа вазири Берн фон Сюдов ҳам ҳамроҳлик қилади.

Юбилей тантаналарининг биринчи кунги тадбирларида НАТОга аъзо 19 мамлакат вакили иштирокида ўтади. Сўнгра уларга «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига аъзо бўлган 25 давлат вакиллари ҳам қўшилиди.

В А Р Ш А В А. Польшанинг собиқ президенти Лех Валенса Косовода тинчликни қарор топтириш билан шуғулланувчи махсус кўмита ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. У бу ҳақда Нобель мукофоти совриндорлари, Халқаро Қизил Хоч кўмитаси ва «Халқаро амнистия» ташкилотига мактуб йўллаб, бўлажак кўмита Косовода барқарор тинчликнинг қарор топишида муҳим ўрин тутганини айтди.

Ушбу ташаббус НАТО Бош котиби, АҚШ ва Югославия президентларига ҳам маълум қилинган.

Ж Е Н Е В А. НАТОнинг ҳаво ҳужумига қарамай, Халқаро Қизил Хоч кўмитаси /ХҚХК/ Югославияда инсонпарварлик тадбирларини давом эттирмақда.

Кўмита вакилининг айтишича, ХҚХК нотинчликдан талофат кўрган аҳоли учун биринчи навбатда зарур бўлган ашёларни етказиб бериш борасида фаол тадбирлар ўтказмоқда. Жумладан, ХҚХК шу кунларда иссиқ кийим ва 750 тонна озиқ-овқат маҳсулотларининг дастлабки туркумини Югославия, Хорватия ва Босния ҳудудларида яшаётган 125 минг нафар қочқинга етказиб беради.

Н А Х О Д К А. Россиянинг Владивосток шаҳридаги темир йўл ва денгиз транспорти вокзалидан беш юзга яқин йўловчи хавфсиз жойга кўчирилди. Номалум кишининг телефон орқали ушбу вокзалларга мина жойлаштирилгани ҳақидаги хабари вокзал маъмуриятини шундай иш тутинишга мажбур қилди, дейилади ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарида.

Барча автобус вокзаллари маъмурияти ҳам бундан бохабар қилиниб, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрсатма берилди. Ҳозирча, темир йўл вокзалидан портловчи мослама топилганича йўқ, лекин кутқарув хизмати текширув ишларини ўтказмоқда.

МЭН ЖАННАТ ИСТАЙМАН!

Она, Онажон, кечиринг мени, агар кечира олсангиз, мени бир хавотирларингизнинг ҳеч курса биринигина тинчлантира олмаганим учун гуноҳимдан кечинг. Кўзларингизга чўккан тунларнинг сукунатларидан, кўзларингизда отаётган тонгланинг хабарларидан мени сўроқлаб, бир оғиз каломига муштоқ бўлиб яшаётган ҳадикларингиз, соғинчларингиз олдида гуноҳқорман. Менинг хат ёзишни ёмон кўрганам, қоғозбозликдан чарчаганим Сизнинг олдингиздаги гуноҳларимни ювмоқ учун ҳеч бир баҳона бўла олмайди, биламан. Аммо нима қилайки, ожизлигимни, лоқайдлигимни ва кундизлигимни енга олмасам... Биламан, "бир дарагини билдирмади-я, бу нодон, бунча бемалолхўжа бўлмасам..." дея койиб-койиб суясиз ва яна суйиб-суйиб соғинасиз. Биламан, мен узимни айтмасдан бурун кечириб юборганингизни, кечириб яшаётганингизни ва шундай яшаганингизни, ҳамма-ҳаммасини. Ҳаммасини билиб туриб, билмасликка олганим учун кечиринг мени, Онажон!

Она, Сиз қандай дунёсизки, дунё кезиб ҳам сиздайин бир дунё топиб бўлмас!... Сиз қандай дарёсизки, меҳрингиз оби ҳеч қуриб қолмайди, Она!? Бу сирни фақат Она бўлганларгина билдилар дейсизми? Балким...

Онажон, ёдингизда, бешинчи синфда ўқирдим, шекилли. мактабдан география муаллимимиз билан уришиб қолганим учун отам билан иккалангиз мени роса койганларингиз. Мен эса "унда нега муаллимнинг ўзи атайлаб менинг баҳонимни пасайтиради, бошқаларнинг айби учун ҳам мени уришади? Шундай қилса ҳам индамай тураверайми?" дея йиғлаганимда, сизлар "Ноҳақликларга жим туриб жавоб бериш ҳам марднинг, оқилнинг иши. Агар сени ноҳақ уришишган тақдирда ҳам ўзингдан катта кишининг юзига ҳеч қачон тик қарама, шундай қилишинг керак!" дея қатъий шарт қўйганларингиз.

Мен шундай қилишга одатландим. Оқил бўлишга, мард бўлишга интилдим. Лекин, Она, шундай пайтлар бўлдики, мен қуруқ тухматлар, ноҳақ маломатлар ёмғири остида қолиб кетдим.

Менинг қон-қонимга, шуур-шууримга сингиб кетган АНДИША барибир менга ҳалокат келтирди, Онажон. Менинг бу "индамас" лигим ҳаётимни шубҳаларга кўмиб ташлади. Хилватларда жимгина тўккан кўз ёшларим айғоқчи маломатнинг илдизларини янада мустаҳкамлади, унинг тиллари узайди ва "айби бор-да, шунинг учун ҳеч нарса дея олмайди" деди у оғизларини ланг очиб беўхшов қаҳқаҳа отаркан, усиб кетган тилларини кўксига

осилтириб. Ростан-да мен унинг олдида ўзимни оқламадим, оқлай олмадим. Негаки, шундай хунук ва кўрқинчи башара билан юзма-юз ўтириб ҳисоб-китоб қилишни ўзимга эп кўрмадим. Йўқ, мен ундан кўрқмасдим, фақат ёмон ижирганардим.

Онажон, эл топиб айтган бир нақлни илк бор Сизнинг лутфингиздан эшитгандим. "Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайди киши". Ростдан-да мусофирчилик энг катта мактаб экан. Мусофирчиликдаги ёлғизлик ҳам катта мактаб, дорилфунун экан. Мен бу дорилфунунда ўз-ўзимга ҳисоб бериб яшашни, ўз-ўзимни тергаб, ўз-ўзимга таллим, тарбия беришни ўргандим. Мен дунёга келиб ўрганган, англаган энг улуг ҳақиқат шу бўлдики, башарият юзида Оллоҳнинг илмидан ўзга буюкроқ илм йўқ экан! Тириклик эса ана шу илми ўрганмоқ учун берилган энг катта имконият экан. Чин бахт эса ўз-ўзингни, ЎЗЛ-ИКни англамоқ, ҳеч бўлмаганда англамоққа интилиб яшамоқ бахти экан! Агар бу ҳам қўлдан келмаса, уликни англамоққа интилиб яшаётганларга ҳавас қилмоқ бахти бор экан. Зеро, ҳавас қилган муродга етар, ҳасад қилган эса ҳалокатга йўлиқар.

Она, Онажон, мен англаб етган улуг ҳақиқатнинг яна бири шуки, дунёдаги энг оғир дард, энг кучли оғриқ бу ватансизлик экан. Бунни одамзод ўзига атиги бир мартаба эҳсон этилган ана шу тириклик умри давомида то сўнгги нафасигача ўзининг асл Ватанини -- бир вақтлар нафса балоси боис қувилган -- Жаннатни соғиниб, орзу қилиб, истаб ва кўмсаб яшар экан.

Илло, Парвардигор бандам деганини гуноҳ йўлларида арасин, дўзах ётларига иргитмасин, асл Ватан -- Жаннатга қайтмоқликни nasib айласин! Жаннат эса шубҳасиз, оналарнинг оёғи остидадир! Бу Оллоҳнинг хабиби, солиҳ пайгамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам лутф этганлар. Менинг эзгуликка ташна шул умрим. Сизнинг биргина ризолигингиз учун етармикин, арзирмикин, Онажон! Токи гафлатда қолмай, пойингиздаги жаннатни кўрсатинг менга, МЭН ЖАННАТ ИСТАЙМАН, ОНАЖОН!

Шамсия ТУРҒУН қизи

Азизим менинг севгим Оллоҳнинг туфҳасидир.

Уни сенга айтиб уз дардимни енгиллатиш учун эмас, йўқ-йўқ сен ҳам менда бор туйғуни ҳис қилишингни бу ҳаётда "азобли" лаззат ҳам борлигини билишингни истардим. Бу утган вақт мобайнида сабримни синадинг, ёхуд мени севмоқчи бўлдинг. Қулингдан келмадим, анигини билмайману, бироқ мени бутунлай бошқа одам қилдинг, куйдинг.

Узоқ айрилиқ олдида (бир дақиқа менинг учун бир асрлигини билмайсан) мени уз чигал ҳаётингга аралаштиришни истамаслигингни айтдинг.

Сизни севолмадим дединг! Нимагадир бу билан кунглимда сенга нисбатан ҳеч қандай совуқчилик кирмади, аксинча қувондим. Шу онда узимга тушунмай қолдим. Кеч оқшом узимдан-ўзим портлаб йиғлаб юбордим. Гапларинг энди таъсир қилганди. Уларнинг қандай гап эканлигини, сен мен учун қанчалар азиз эканлигингни ҳис қилдим. Сендан қайта-қайта мени севасанми, дея сўрагим келаверарди. Худди шуни кутиб тургандек дугонам олдинга чопиб келди. Севган қизим бор, уйланыпман, дебсан. Ишонмайман, эшитяпсанми, ишонмайман. Агар мени севмасанг, севолмасанг бошидаёқ айтардинг. Уйланыпман деган ёлгонинг-

дан сўнг сен билан юз қуришмай юрувдик, бироқ тасодиф. Сени узоқдан кўриб жалл билан қараб ўтмоқчи бўлувдим, эплай олмадим. Утқир нигоҳларинг менга шундай боқдики, эй қиз сен мендан нима истайсан? -- деди. Нигоҳларимдаги жавобни уққандирсан? Сендан ҳеч нарса истамайман, шу заманда яшаб сен билан бир ҳаводан нафас олишимга, сени севишимга рухсат берсанг бўлгани.

Рашк отли бало нелигини билмайсан чоғи. Рашкимни келтириш учунми, ёки севган қизинг борлигига ишонтириш учунми, кўз олдимда бегона қиз билан анча сўхбатлашиб турдинг. Афсуски, сен аламимни ололмайсан, ҳаққим йўқ, чунки сен мени севмайсан. Лекин севишимни биласан шунинг ўзи катта бахт! Рост муҳаббат ҳижрон билан дейишади.

Мен сени бошқа безовта қилмайман. Мен сев деб мажбурламайман ҳам. Андиша отлиг неъмат ошқора курашимга йўл қўймайпти. Мен ҳаётда сенга етишолмасам ҳам яшайман, сен яшаётганлигинг учун ҳам яшайман.

Сен ҳаётда уз урнингни, уз тенгингни топиб бахтли бўлсан бўлгани. Мени ёнимда ҳамроҳ сирдошим бўлиб турмасанг, кимларнингдир ишонган, суянган тоғи бўл! Бу ишончла айтилаётган тилакларни сенга тилай олмайдиган вақтларимда ҳам сенга етишишни худодан сураб қолувчи

"АЗИЗАНГ"



ОЛИЙ ҲУҚУВ ЮРТИГА ЙЎЛЛАНМА

Китоб туманидаги биринчи лицейнинг битирувчиси Фаррух Абдусалимов инглиз тили буйича мактаб ўқувчилари республика олимпиадасида 100 имкониятдан 98 балл тўплаб биринчи ўринни қўлга киритди. Яккабоғ туманидаги биринчи лицей битирувчиси Улуғбек Жўраев эса Давлат ва ҳуқуқ фани буйича учинчи ўринни эгаллади. Олимпиада низомига кўра ҳар икки иқтидорли ўқувчига республика олий ҳуқуқ юртига имтиёзли қабул қилиниш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири

ҲАДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

(19 апрелдан-
25 апрелгача)

ҲАМАЛ. Душанбада соғлиқ кайфиятингиз яхши эмас. Сешанба кунини қувонасиз. Чоршанбада ҳаминингиз тўлади. Пайшанбадан хушхабар кутинг. Жума дўстлар даврасида ўтади. Шанбада сирли учрашув. Якшанба кунини яқин одамингиз билан қўнғироқлашасиз.

САВР. Ҳафта бошида молиявий аҳволингиз яхшиланади. Сешанба кунини қувончли кун. Чоршанбада соғлиқни уйланг. Пайшанба ижодкорлар кунини. Жума яқинларингиз билан дийдорлашасиз. Шанба кунини сизни сўроқлашади. Якшанбада соғлигингиз яхши эмас.

ЖАВЗО. Душанбада бойингиз эҳтимолнингиз бор. Сешанба ва пайшанбада ишлар ўнгидан келади. Чоршанба кунини кўнғирдан кутган хушхабарингиздан огоҳ бўласиз. Жума молиявий аҳволингизни яхшилайди. Якшанбада қўнғилли дам олинг.

УЭН ГРЕЦКИ: ҚАРОРИМ ҚАЙТБИМ, ҚЕШЛАМАН

Шимолий Америка миллий хоккей лигаси биринчилигининг навбатдаги тур учрашувларида Нью-Йоркнинг «Рейнджерс» жамоаси Питтсбургнинг «Пенгуинс» командасини қабул қилади. «Нью-Йорк пост» газетасининг ёзишича, бу учрашув хоккей тарихида янги саҳифа очади. Чунки у машҳур хоккейчи Уэйн Грецининг «Мэдисон-сквер-гарден» ўйингоҳида «Рейнджерс» таркибидаги энг сўнгги ўйини бўлиши мумкин.

Бироқ айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, машҳур хоккейчининг спорт билан хайрлашишига ҳали эрта. У Грецки бунга турисини айтнинг ҳам минг хил фикр мен «яна қайшим мумкин» лардан эмасман, қатъий, кетаман,

**СПОРТ
ОЛАМИДА**

ЖАНН

ҚАЕРДА БЎЛАДИ?

Жаҳон бокс уюшмаси жаҳон биринчилиги учун америкалик Эвандер Ҳолифилд ва британиялик Леннокс Льюис ўртасидаги такрорий жанг шу йилнинг сентябрь ойида Лас-Вегасда ўтказилишига расмий розилик берди.

Маълумки, бу жанг уч тасниф - Жаҳон бокс уюшмаси, Халқаро бокс федерацияси ва Жаҳон бокс иттифоқи буйича дунёнинг энг кучли боксчисини аниқлаб бериши лозим. 13 март кунини Нью-Йоркда уюштирилган биринчи учрашувдан сўнг аксарият ишқибозлар такрорий жангнинг ҳаққоний тарзда ўтказилишига ишонмаяпти. Чунки биринчи учрашув Л.Льюис устунлигида ўтган бўлишига қарамай, ҳакамлар жанг натижасини дуранг сифатида қайд этган эди.

АГ АССИ

АЖРАШИШГА

ҚАРОР ҚИЛДИ

Америкалик машҳур теннисчи Андре Агасси салкам икки йил биргаликдаги турмушдан сўнг Ҳолливуд актрисаси Брук Шилдс билан ажрашадиган бўлди.

Ўз соҳасининг усталари бўлган Андре ва Брукнинг ажрашиш сабаблари эълон қилинмаган бўлса-да, уларнинг турли соҳадаги юқори қўққиларни забт этишга уриниш билан овора бўлиб, ўзаро муносабатларга жуда ҳам кам вақт ажратаётгани асосий сабаблардан бири деб қаралмоқда. Журналистларга берилган баёнотда спортчи ва актриса ўртасидаги дўстлик абадий қолиши таъкидланган.

/ЎзА/

ЖИМЖИ- ЛОҒИНГИЗ КАТТАМИ?

Жимжилоғинингизнинг катта ёки кичиклиги кишининг савдо-сотик, тижорат ишларига қобилиятини билдириши мумкин экан. Қадимда фарблик савдогарлар ёрдамчи олишмоқчи бўлса, энг аввало унинг кўлига қараган. Уларнинг фикрича жимжилоғи кичик одамларнинг савдо-сотикқа ўқуви йўқ, узун бўлса, кўли эгрироқ бўларкан.

Хол ҳақида ҳам кўп гап юради. Эркак кишининг ўнг юзида холи бўлса, бахтиёрлик, чап томонидаги холи бўлса, бахтсизлик белгисидан додалат беради. Журъатсиз, қатъиятсиз кишининг кўпинча қонлари ўртасида холи бўлади. Чап лабида холи бор қизлар эрта турмушга чиқади. Қаншарида холи бор кишининг одатда оиласи мустаҳкам бўлмайди, кўп касалликка чалинади. Бойларнинг елкасида холи бўлади. Белида холи бор аёллар серфарзанд, соғлом фарзанд тугади. Пешонасида тугма доғи бор кишилар шон-шухратли, таниқли бўлишади.

ЧИМИЛДИҚҚА КИРМАГАНДАР

Муҳаббат аёл гўзаллигини мадҳ этиб миллионлаб кишилар қалбини ларзага келтирган дунёга машҳур бир қанча шoirлар, рассомлар, бастакорларнинг ўзлари муҳаббат лаззати фарзанд меҳридан ойна оҳанг рабосидан мосуво бўлган экан. Чимилдиқ кирмаган, асал ойдан лаззатланмаган Софидя Рафаэль, Бокаччо, Вольфганг Амадеус Моцарт, Льюис Керролл, Бетховен, Бромс, Шуберт, Шопен, Лейтнинг Робеспьер ҳам бор экан.


ЭРТАККА ҲУШШАЙДИ

Руминиянинг қишлоқларидан бирида яшайдиган Мугур Андриеску исмли деҳқон кўл учидан турмуш кечирар, ишлаб тошгани ҳеч нарсага етмас, тўртта боласи, касал хотини билан қийналиб яшарди. (Кўнлардан бирида уларнинг қишлоғига мамлакат пойтахти Бухорестдан одамлар келиб, Иториядан келтирилган илгари кийинган кийимларни эҳтиёжманларга бепул тарқатаётганидан хабар топди.) У чопиб бора, тузукроқ буюмлар аллақачон тарқатилган, унга йиртиқ шим қолган экан. Нонлоқ Мугури шимни олиб уйга равона бўлибди. Уйига келиб кийиб кўрса, чўнтагида нимадир қаттиқ нарса бормиш. Қараса чўнтагида етти минг доллар миқдоридан италия пуллари бор экан...

ҚИЙМАТИМИЗ ҚАНЧА?

Кимёгар олимнинг тажрибаларидаги ҳисобга кўра, инсоннинг қиймати ҳатто сувдан ҳам арзон экан. Чунки вужудимизда 7 донна совун тайёрланиши мумкин бўлган ёғ, 1 донагина ўртача катталиқдаги миҳ ҳажминча темир, кичкина стаканни тўлдирадиган даражада шакар, 2000 гугуртни ёқишига етувчи фосфор мавжуд экан.

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ



САРАТОН. Сешанбада ҳамкорлар учрашуви. Чоршанба кунини ўзоқдан қўнғироқ кутинг. Пайшанба ва шанбада қаттиқ қувонасиз. Жума сирли учрашувларга бой бўлади. Якшанбада асабни асранг.

АСАД. Ҳафта бошида бўлган қўнғироқлар сизни янгиликлардан огоҳ этади. Чоршанба кунини асаблар чарчанини сезасиз. Пайшанба ва жумада соғлигингиз ҳақида қайғуришга тўғри келади. Муҳим ишларни шанбага қолдирманг. Якшанба дам олиш учун қўлай кун.

СУНБУЛА. Душанба кўнғилли хордиқ учун шароит яратади. Сешанба ва пайшанба хайрли кун. Чоршанбадаги хариддан қўнғилнингиз тўлади. Жумадан қўнғироқ кутинг. Шанба зиддиятли кун. Якшанбада соғлиқ кайфиятингиз яхши эмас.

МЕЗОН. Молиявий аҳволингиз душанбада яхшиланади. Сешанба ва шанба кунлари ишларингиз о'қ'кей. Чоршанбада сизни сўроқлашади. Пайшанбада соғлиқни уйланг. Муҳим ишларни жумага қолдирмаганингиз маъқул. Якшанбада яқин одамингизни кутинг.

АҚРАБ. Душанбадаги харидингиз ўзингизга маъқул келади. Сешанбада асабни асранг, бўлмаса чоршанба ва пайшанбада соғлигингиз ёмонлашиши мумкин. Муҳим ишларни жумага қолдирманг. Шанба хайрли кун. Якшанба дўстлар даврасида ўтади.

ҚАВС. Душанбада бой бўласиз. Сешанба кунини сирли учрашув. Чоршанба ва жумада қувонасиз. Пайшанба кунини ҳамкорлар учрашади. Қўнғилли хордиқ учун шанбани танланг. Якшанбада сизни сўроқлашади.

ЖАДЪЙ. Душанбада сирли учрашув. Сешанба кунини қувончли воқеа рўй беради. Чоршанбада ҳаминингиз тўлади. Пайшанба кунини кайфиятни тушурманг. Жумадан қўнғироқ кутинг. Шанбада ҳамкорлар учрашади, якшанбада эса севишганлар.

ДАЛВ. Ҳафта бошида сизни сўроқлашади. Сешанба кунини соғлигингиз ҳақида қайғуриш. Чоршанбада муҳим ишларга кўл урманг. Пайшанба молиявий аҳволингизни яхшилайди. Жумада асаблар толиққан. Шанба тижоратчилар кунини. Якшанбада яқин одамингизни кутинг.

ХУТ. Душанба ва чоршанба кунлари муҳим янгиликдан огоҳ бўласиз. Сешанба тижоратчилар учун баракали. Пайшанба хайрли кун. Жумада муҳим ишларга кўл урманг. Шанбада сирли учрашув. Харид учун омадли кун якшанба.

КЕЛИНГ, БИР КУАИШАЙЛИК

Расмлар кўргазмасига кириб қолган аёл эридан сўради:

-- Санъаткор бу расми билан нима демоқчи ўзи?
-- Уни сотмоқчилигини айтмоқчи, - деди ҳозиржавоб эр.

Кечки пайт профессор Либерманн бир меҳмонхона олдида келиб бир кеча тунаб қолишини ўйлаб турган эди, бир ёш йигитга кўзи тушди:

-- Айтолмайсизми, бу меҳмонхонада бир кеча яхши ухлаб олиш мумкинмикан?

-- Бўлмасамчи, мана ярим соатдан бери эшик қўнғироғини босаяпман, аммо ҳеч кимдан дарак йўқ, - деди йигит.

Бир кунини ёзувчи Пол Хайзи йўловчилар лиқ тўла трамвайда кетаётган эди. Бир ёш йигит беҳосдан унинг оёғини босиб олди. Пол қанча уринса ҳам оёғини тортиб ололмади. Тоқати тоқ бўлган ёзувчи йигитнинг елкасига туртиб сўради:

-- Кечирасиз, яхши йигит, ёшингиз нечада?
Йигит ҳайрон бўлиб ёзувчига қаради ва жавоб берди:

-- Йигирмада.
Хайзи кулиб деди:

-- Мен ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлагандим. Аммо йигитча бу ёшингизда ўз оёғингизда тура оласиз деб ўйлайман!

Немисчадан
Шухратхон ИМЯМИНОВА таржимаси

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ИШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Зиёда АШУРОВА

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-56-58
Хатлар бўлими — 133-79-69

МАЊЗИЛИМИЗ:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаназаридан фарқланishi мумкин.